

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ТАРАФЛАР ТУШУНЧАСИ ВА
ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ ЛАЁҚАТИНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7883274>

Jamalov Bekzod Baxtiyarovich

Аннотация: *мазкур мақолада маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларини судда кўришда тарафлар тушунчаси ва процессуал ҳуқуқий лаёқатининг илмий назарий масалалари ўрганилиб ундан тегишли хулосаларга келинган.*

Калит сўзлар: *маъмурий суд ишларини юритиш, тарафлар тушунчаси, аризачи, жавобгар, процессуал ҳуқуқ лаёқати, эмансипация.*

ПОНЯТИЕ СТОРОН АДМИНИСТРАТИВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА И
НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ПРОЦЕССУАЛЬНОЙ
ПРАВОСПОСОБНОСТИ

Аннотация: *в данной статье исследуются научно-теоретические вопросы понятия сторон и процессуальной правоспособности при рассмотрении судом споров, возникающих из административных и публичных правоотношений, и из них делаются соответствующие выводы.*

Ключевые слова: *административного судопроизводства, понятия сторон в судопроизводстве, заявитель, ответчик, процессуальная правоспособность и дееспособность (эмансипация).*

CONCEPT OF PARTIES IN ADMINISTRATIVE COURT PROCEEDINGS AND
SCIENTIFIC THEORETICAL ISSUES OF PROCEDURAL LEGAL CAPACITY

Annotation: *this article examines the scientific and theoretical issues of the concept of parties and procedural legal capacity when considering disputes arising from administrative and public legal relations by the court, and appropriate conclusions are drawn from them.*

Key words: *administrative proceedings, concepts of parties in legal proceedings, applicant, defendant, procedural legal capacity and legal capacity (emancipation).*

Сўнги йилларда маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасида мамлакатимизда янги маъмурий суд институти пайдо бўлди ва маъмурий ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хослиги судда низоларни кўришда бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсинуви мавжудлиги билан ифодаланиб бу маъмурий судлар томонидан иш юритишда, аввалдан суд

ишларини юритишда шакланган амалиётдан кўра ўзгача ёндашувни талаб қилди. Негаки, маъмурий суд ишларини юритишда тарафлар тенглигини таъминлаш бошқа суд (фуқаролик, иқтисодий) амалиётларидан фарқли ўлароқ ўзгача ёндашув, ўзгача тартибларни ишлаб чиқишни талаб қилди.

Буни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси кодекси¹¹⁶нинг 67-моддасида маъмурий органларнинг низолашилаётган ҳужжатларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларининг, улар мансабдор шахслари ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилиши белгиланганлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24-сонли “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорида МСИЮтК 134-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, аризага қарорни илова қилмаслик аризани қайтаришга асос бўлмаслиги суд низолашилаётган қарорни аризачининг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан маъмурий органдан талаб қилиб олишга ҳақли эканлиги белгиланганидан ҳам кўриш мумкин.

Илмий-назарий жиҳатдан маъмурият ва бўйсинувдаги шахслар ўртасидаги тенгликни суд ишларини юритишда таъминлаш тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунда мустаҳкамлаш, ривожлантириш орқали амалга оширилади.

Маъмурий суд ишларини юритишда аризачи (маъмурий бўйсинувда бўлган шахс)дан барча мавжуд бўлган далиллар сўралади ва бунинг аксини исботлаш маъмурий орган зиммасида бўлади¹¹⁷. Ушбу амалиёт маъмурий суд ишларини юритишда маъмурий бўйсинувда бўлган шахс ва маъмурият ўртасидаги нотенгликдан, номутаносибликдан қочиш имконини беради¹¹⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 29 январда имзоланган “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори¹¹⁹нинг қабул қилиниши маъмурий судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга ҳуқуқий асос бўлди.

¹¹⁶ <https://lex.uz/docs/3527353> Ўзбекистон Республикасининг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси.

¹¹⁷ Guinchard S. Droit et pratique de la procédure civile: droits interne et de l'Union européenne. – Dalloz, 2014.

¹¹⁸ Cadoux-Trial L., La charge de la preuve devant le Conseil d'État, 1953, EDCE, p. 85 ; CE, ass., 28 mai 1954, Barel : Rec. p. 308, concl. M. Letourneur ; CE, ass., 30 oct. 2009, n° 298348, Mme Perreux ; RFDA 2009, p. 1125 ; GAJA n° 115.

¹¹⁹ <https://lex.uz/docs/5841287> Ўзбекистон республикаси Президентининг “давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини

Мазкур қарорда белгиланган масалалар маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда жамоатчиликнинг маъмурий судларга бўлган ишончини янада оширишга мустаҳкам замин яратади.

Қарорда маъмурий суд ишларини юритишни “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида амалга ошириш вазифаси белгиланди. Бу фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлайди¹²⁰.

Бундан кўринадики, маъмурий низоларни судлар томонидан кўришда тарафлар ўртасидаги тенгликни таъминлаш принципи маъмурий бўйсинувда бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг таъминланиши орқали ва арз қилинаётган талабнинг аксини исботлаб бериш маъмурият зиммасига юкланиши, тегишли далилларни йиғишда суд томонидан аризага кўмаклашиш, суднинг фаол иштироки тамойили асосида иш юритиш орқали амалга оширилади.

Бу бевосита Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси¹²¹нинг 2-моддасида маъмурий суд ишларини юритиш вазифалари билан ҳам белгиланган. Унга кўра, маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг (бундан буён матнда юридик шахслар деб юритилади) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш белгиланган бўлиб, қонунчилик асосан аризагининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Маъмурий суд ишларини юритишда тарафлар ҳуқуқий мақомини белгилаш бир томондан олганда, оддий ва кўп жиҳатдан одатий ҳол сифатида қаралса-да, шу билан бир вақтнинг ўзида ўзига хос муайян мураккабликларга ҳам эга. Чунки айнан тарафлар ишни судда кўришнинг мажбурий элементи ҳисобланади. Тарафларнинг ишни судда кўришдан асосий кўзлаган мақсади ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳисобланади. Мавжуд процессуал қонунчилик эса ўзининг мукамаллиги ва тарафларга процессдаги ҳаракат эркинлигини бериши билан адолатни, бузилган ҳуқуқларни самарали ҳимоя қилишни таъминлаши зарур. Акс ҳолда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев

таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 107-сонли қарори

¹²⁰ Д.Ўринбаева, “Маъмурий суд ишларини юритишда “Суднинг фаол иштироки”ни таъминлаш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг демократик белгиси”, Таълим фидойилари электрон журнал, <https://cyberleninka.ru/article/n/mamuriy-sud-ishlarini-yuritishda-sudning-faol-ishtiroki-ni-taminlash-sud-u-u-so-asidagi-islo-otlarning-demokratik-belgisi>

¹²¹ <https://lex.uz/docs/3527353> Ўзбекистон Республикасининг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси.

таъкидлаганидек, «бу ҳолат мамлакатимиз қонунчилик тизимида фуқароларимиз, тадбиркорлар, қолаверса, чет эл инвесторларининг ишончсизлигини келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслигимиз керак»¹²². Бундан кўринадик, маъмурий ислохотларни ривожлантириш унда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунда мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этади.

Маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахслар ичида тарафлар алоҳида ва бирламчи ўринни эгаллайди. Зеро, ҳар қандай ишларни судда кўришда, албатта, тарафлар мавжуд бўлади. Низоли муносабат ҳам айнан тарафлар ўртасида вужудга келади. Улар низо предметида нисбатан қарама-қарши бўлган икки тараф сифатида ҳуқуқий майдонга – процессга кириб келади. Бунда маъмурий суд ишларини юритишдаги тарафлар ва бошқа суд (фуқаролик, иқтисодий) процессидаги тарафлар бир-биридан фарқ қилишига эътибор қаратиш лозим. Тарафлар тушунчасини ва уларнинг ҳуқуқий мақомини тўғри белгилаш, шунингдек улар алоқадор бўлган масалаларни тўғри ҳал қилиш судларнинг одил судлов бўйича ваколатларини амалга ошириш учун асосий омил саналади.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 38-моддасига кўра тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар ўз зиммаларига юклатилган ваколатларга кўра ишда иштирок этувчи шахслар ҳисобланадилар.

Бундан ташқари, маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахслар сифатида аризачи ва манфаатдор шахслар, учинчи шахслар, прокурор, давлат органлари, маҳаллий давлат органи ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда нодавлат ташкилотлар иштирок этади. Маъмурий суд ишларини юритиш ҳар бир иштирокчисининг ҳуқуқий мақоми низони кўриб ҳал қилишда ҳар бир иштирокчининг функцияси ва мақсадидан келиб чиқиб белгиланади.

Маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиси низони тез ва тўғри кўриб чиқиб ҳал қилишга, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам берувчи субъектлардир. Маъмурий суд ишларини юритишнинг барча иштирокчилари муайян гуруҳларга бўлинади. Маъмурий судларнинг асосий вазифаси фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлашдир. Маъмурий суд судьяси маъмурий ҳуқуқий муносабатнинг субъекти сифатида қатнашади ва унинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари маъмурий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари, яъни тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига қарама-қарши бўлмайди. Маъмурий суд ишларини юритишда судья ва тарафлар асосий иштирокчи ҳисобланади ва улар иштирокисиз низо

¹²² Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – Б.8-9.

ҳал қилиниши мумкин эмас. Қолган шахсларнинг иштироки эса ҳар доим ҳам мажбурий эмас, уларнинг таркиби ҳар бир ишнинг ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади.

Х.Азизовнинг фикрича, судига мурожаат қилиш ҳуқуқи даъво ариза, апелляция ва кассация шикоят бериш ва бошқалар орқали амалга оширилади¹²³. Маъмурий суд ишларини юритишда ҳам судга мурожаат қилиш шакиллари шунга ўхшаш бўлиб, Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКнинг 5-моддасига кўра, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишлар бўйича, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда — ариза (шикоят) ва илтимоснома шаклида, апелляция ва кассация инстанцияси судларига мурожаат этилганда, шунингдек ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда шикоят (протест) шаклида мурожаат қилиниши мумкин.

Маъмурий суд ишларини юритишнинг субъекти сифатида тарафлар процесснинг бошқа иштирокчиларидан фарқ қилиб, ўзларига хос ҳуқуқларга эга бўладилар. Ўзига хослик, аввало, тарафларнинг ҳуқуқий мақомида, уларнинг процессдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасида яққол кўзга ташланади.

Маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий процессуал ҳуқуқида тарафлар тушунчасига доктринал ёндошув бир-бирига жуда яқин. Бинобарин, иқтисодий процессуал ҳуқуқи фуқаролик процессида узоқ вақтлардан бери амал қилиб келаётган назарий қоидалар ва ёндашувлар асосида яратилганини ва шу икки ҳуқуқ соҳасидан маъмурий суд ишларини юритишнинг процессуал асослари униб чиққанлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Шу боис, бугунги кунда маъмурий суд ишларини юритиш, фуқаролик процесси ва иқтисодий процесс тарафлари фақат амалий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилишини ҳисобга олсак, умумназарий ёндашув нуқтаи-назаридан тарафлар тушунчасини аниқлаш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда ўзаро умумийликдан келиб чиқиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, процессуал тарафлар асосан даъволи ишларда мавжуд бўлади. Шу сабабли ҳам маъмурий процессда асосан бир-бирига қарама-қарши турувчи икки тараф аксиомаси мавжуд. Жумладан, Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, низоли ишларда низо предметига нисбатан қарама-қарши бўлган икки тараф бўлади. Тарафлардан бири даъвогар, яъни ҳуқуқнинг ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларнинг ҳимоя қилинишини илтимос қилиб даъво кўзғатган ёхуд манфаатини кўзлаб иш кўзғатган шахс ва иккинчи томонида жавобгар, яъни даъво юзасидан даъвогарни ҳуқуқ ва қонуний манфаатини бузганлиги учун суд томонидан жавоб бериш учун жалб этилган шахс бўлади. Шу тарзда низоли ҳуқуқнинг ёки қонун билан

¹²³ Азизов Х. Современная форма реализации прав на обращение в хозяйственный суд. //Вестник хозяйственного суда Республики Узбекистан. – 2014. – №5. – Б. 74

қўриқланадиган манфаатнинг субъекти даъвогар деб фараз қилинса, низоли бурчнинг субъекти эса жавобгар сифатида фараз қилинади¹²⁴.

Маъмурий суд ишларини юритишда тараф сифатида иштирок этиш учун, аввало, тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиши талаб қилинади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси¹²⁵ ва маъмурий суд ишларини юритиш қонунчилиги тамойилларига асосланади ҳамда уларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги конституциявий кафолат ҳисобланади ва бу фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлишини таъминлайди.

Процессуал-ҳуқуқий лаёқат бу – процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш имконияти ҳисобланади. Ишда иштирок этувчи шахслар процессуал ҳуқуқий лаёқатининг қуйидаги ўзига хос белгилари мавжуд:

биринчидан, маъмурий суд ишларини юритишда ҳуқуқий лаёқат тегишли субъектнинг судда ҳимояланиш ҳуқуқини белгиловчи қонун билан аниқланади;

иккинчидан, қонун билан судда ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлган барча субъектлар бир хил процессуал ҳуқуқий лаёқатга эга;

учинчидан, процессуал ҳуқуқий лаёқат тегишли субъектда ўзининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи мавжудлиги билан белгиланади¹²⁶.

Процессуал ҳуқуқ лаёқатига юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан эга бўлади ва юридик шахснинг тугатилганлиги муносабати билан унинг давлат реестридан чиқарилгани ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг рухсатномаси тўхтатилганлиги ёки унинг муддати тугаганлиги муносабати процессуал ҳуқуқ лаёқати тугайди. Процессуал ҳуқуқ лаёқатига эгалик таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, юридик шахслар давлат реестридан кўчирма, процесснинг тарафи чет эллик юридик шахс бўлган тақдирда эса унинг мақомини тасдиқловчи ҳужжатлар билан тасдиқланади¹²⁷.

Маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этишнинг ишда иштирок этувчи барча шахслар учун умумий асоси процессуал лаёқатга эга бўлишидир. Маъмурий суд ишларини юритишда ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатини алоҳида таҳлил қиладиган бўлсак, ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал муомала лаёқати масаласи ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Процессуал муомала лаёқати – бу ўз ҳаракатлари орқали процессуал ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш имконияти ҳисобланади. Юқорида қайд этилган барча шахслар,

¹²⁴ Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 42.

¹²⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, http://old.lex.uz/search/nat?form_id=4131

¹²⁶ Қаландарова М. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. //Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. – 2015. – №5. – Б. 32

¹²⁷ Акрамова Д. Процессуальная правоспособность. //Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. – 2014. –№9. – Б. 80.

жисмоний шахслардан ташқари, процессуал муомалага лаёқатли ҳисобланадилар. Уларнинг процессуал муомала лаёқати чекланиши мумкин эмас. Чунки уларга процессуал муомала лаёқати процессуал ҳуқуқ лаёқати билан биргаликда вужудга келади¹²⁸. Маъмурий суд ишларини юритишда барча фуқаролар ва юридик шахсларнинг маъмурий процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати (маъмурий процессуал ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади¹²⁹.

Шунингдек, маъмурий суд ишларини юритишда процессуал ҳуқуқ лаёқати вужудга келиши учун маъмурий ҳуқуқий муносабатда иштирок этувчи бевосита аризачи, жавобгар мақомида бўлиши лозим. Бунда маъмурий ҳуқуқий муносабатларда манфаатдор эканликни аниқлаш, маъмурий акт шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларига даҳл қилаётганлигини аниқланиши ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонуни”да манфаатдор шахс — қабул қилинаётган маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат қаратилган шахс, шунингдек ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари маъмурий ҳужжатга ёки маъмурий ҳаракатга даҳлдор бўлган ёхуд даҳлдор бўлиши мумкин бўлган шахс эканлиги баён қилинган¹³⁰.

Шунингдек, маъмурий суд ишларини юритишда процессуал ҳуқуқ лаёқтини аниқлаш аризачига эътибор қаратиш билан бирга маъмурий органнинг ҳам низо доирасида қонунда белгиланган ваколатларини аниқлашда муҳим саналади.

Судда жавобгарни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24-декабрдаги 24-сонли қарорида батафсил тушунтириш берилган бўлиб, унга кўра, маъмурий органнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида бўлинмаси ёки мансабдор шахсга нисбатан талаб қўйилганда, суд МСИЮтК 42-моддаси қоидаларига риоя қилган ҳолда, иш бўйича жавобгар сифатида тегишли органни жалб этиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши керак.

Судга махсус комиссиянинг қарори устидан шикоят қилинганда, иш бўйича жавобгар сифатида махсус комиссиянинг ишчи органи бўлган давлат органи жалб этилиши лозим.

Агар иш ҳал қилингунга қадар маъмурий орган қайта ташкил этилган ёхуд тугатилган бўлса, суд унинг ҳуқуқий ворисини ёки аризачининг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш ваколатига эга бўлган органни ишда иштирок этишга жалб қилади.

¹²⁸ Қаландарова М. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. //Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. – 2015. – №5. – Б. 32.

¹²⁹ 25.01.2018. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 35-моддаси (lex.uz).

¹³⁰ ЎРҚ 457-сон, 2018 йил 8 январь, Ўзбекистон республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни

Агар иш кўриб чиқиладиган вақтга келиб қарори ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) шикоят қилинадиган шахс мансабдор шахс бўлмай қолган бўлса, суд ушбу мансабни эгаллаб турган шахсни ёхуд аризагининг бузилган ҳуқуқлар ва эркинликларини тиклаш ваколатига эга тегишли органни ишда иштирок этиш учун жалб этиш масаласини ҳал қилади¹³¹.

МСИЮТКнинг 36-моддасига кўра, Судда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқати вояга етган фуқаролар ва юридик шахсларга тегишлидир. Вояга етмаган шахс қонунда ўн саккиз ёшгача никоҳ қуриш мумкин бўлган ҳолда — никоҳ қурган вақтдан бошлаб, шунингдек у қонунда белгиланган тартибда тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилинган ҳолда (эмансипация) судда ўз процессуал ҳуқуқларини шахсан амалга ошириши ва процессуал мажбуриятларини бажариши мумкин. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахснинг, шунингдек муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар, ҳомийлар, тарбияловчи, даволовчи муассасалар ёки бошқа шунга ўхшаш муассасалар маъмурияти) томонидан ҳимоя қилинади. Бироқ, суд вояга етмаган шахснинг ўзини ёки муомала лаёқати чекланган фуқарони бундай ишларда иштирок этишга жалб қилишга ҳақли. Қонунда назарда тутилган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича вояга етмаган шахс судда ўз ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бироқ, суд вояга етмаган шахснинг қонуний вакиллари бундай ишларда иштирок этишга жалб қилишга ҳақли. Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахснинг, шунингдек руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги) натижасида муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг қонуний вакиллари томонидан ҳимоя қилинади.

Маъмурий суд ишларини юритишда тараф сифатида иштирок этиш учун, аввало, процессуал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши лозим. Процессуал ҳуқуқ лаёқат деганда, маъмурий судда иш қўзғатишга ҳақли бўлган шахслар, қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ёки ҳуқуқий мақомига кўра жавобгар ҳисобланадиган маъмурий органлар шахслар тушунилади.

Демак, маъмурий суд ишларини юритишда тарафларнинг процессуал ҳуқуқ лаёқати деганда, процессуал ҳуқуқларга эга бўлиш ҳамда процессуал мажбуриятларни бажара олиш лаёқатининг маъмурий суд ишларини юритиш қонунчилиги томонидан тан олинishi тушунилади. Маъмурий процессуал

¹³¹ 24-сон 24.12.2019. Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти хақида (lex.uz)

муомала лаёқати сифатида эса процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш ва процессуал мажбуриятларни бажариш лаёқатининг маъмурий процесс қонунчилиги томонидан эътироф этилиши назарда тутилади.

Аризачининг процессуал муомала лаёқати мавжуд эмаслиги, МСЮтКнинг 105-моддасининг 2-бандига кўра даъво аризаси имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланганлиги асоси билан даъвони кўрмасдан қолдиришга олиб келади.

Шунингдек, 99-моддаси 3-бандига кўра, агар ишда иштирок этувчи шахс бўлган фуқаро муомала лаёқатини йўқотса, суд иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур бўлади.

Умуман олганда, шуни қайд этиш керакки, маъмурий процессуал ҳуқуқ лаёқати моддий ҳуқуқ нормалари билан ўзаро алоқадорликда, яъни фуқаролик ҳуқуқи ва маъмурий процессуал ҳуқуқининг ўзаро уйғунлашувида намоён бўлади. Ишда иштирок этувчи шахслар процессуал ҳуқуқий лаёқатли шахслар сифатида уларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари моддий ҳуқуқ нормалари билан муҳофаза қилиниши лозим.

Процессуал ҳуқуқий лаёқат ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳаракатларни амалга ошириши натижасида вужудга келади. Фуқаролар ўзларининг процессуал ҳуқуқ лаёқатларини мустақил ёки вакиллари ёрдамида, ташкилотлар, давлат органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ўзларининг коллегиял ёки яқка органлари ёхуд тегишли тарзда ваколат берилган вакиллари орқали амалга оширадилар.

Е.А.Трещеванинг фикрича, суд томонидан у ёки бу ишни кўриш натижаси бўйича ҳуқуқ ва муомала лаёқати мавжудлиги аниқланади. Бироқ ишни кўриш жараёнида исталган истанцияда ушбу шахс ишда иштирок этиш учун процессуал ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга ҳисобланади. Ҳуқуқ ва муомала лаёқатининг процессуал тушунчаси, ҳаттоки ташкилотларга нисбатан мустақил бўлади¹³².

М.М.Мамасиддиқовнинг таъкидлашича, тарафларнинг процессуал ҳуқуқлари фуқаролик процессуал ҳуқуқида умумий ва махсус ҳуқуқларга ажратилади. ФПКнинг 34-моддасида ҳамда бошқа моддаларда назарда тутилган ҳамда ишда иштирок этувчи бошқа шахслар фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқлар тарафларнинг умумий ҳуқуқлари ҳисобланади. ФПКнинг 40-моддаси ҳамда бошқа моддаларда назарда тутилган ҳамда фақат тарафларгина фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқлар махсус ҳуқуқлар ҳисобланади. Махсус ҳуқуқлар сифатида даъвогарнинг даъво асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришга ёхуд даъводан воз кечишга бўлган ҳуқуқини, жавобгарнинг эса даъвога қарши эътироз

¹³² Трещева Е.А. Субъекты арбитражного процесса. Дисс.докт.юрид.наук. – М., 2009. – С.243

билдириш, қарши даъво тақдим этиш ёки даъвога иқроор бўлиш каби ҳуқуқларни кўрсатиш мумкин¹³³.

Тарафлар процессуал ҳуқуқларининг умумий ва махсус ҳуқуқларга ажратилиши маъмурий процессуал қонунчилигида ҳам мавжуд. Жумладан, МСЮтКнинг 39-моддасида белгиланган ишда иштирок этувчи шахслар фойдаланадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарафлар учун умумий ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳисобланса, МСИЮтК 136-моддасида белгиланган ҳуқуқлардан фақат аризачи фойдаланганлиги сабабли бу ҳуқуқлар махсус ҳуқуқлар ҳисобланади ва уларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин: аризанинг асоси ёки предметини ўзгартириш, ариза(шикоят) талабларини ўзгартириш, ариза (шикоят)дан тўлиқ ёки қисман воз кечиш каби махсус ҳуқуқлар мавжуд.

Маъмурий процессда тарафларнинг номланиши уларнинг ҳуқуқий ҳолати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маъмурий суд ишларини юритиш ишларнинг тоифаларидан келиб чиқиб фарқланади.

Юридик адабиётларда процесс тарафи борасида ўзига хос илмийназарий ёндошувлар шакллантирилган. Бунда процессдаги тарафларнинг ҳуқуқий муносабат субъектчилиги ёки ягона иштирокчилик категориясининг нисбати таҳлил этилган. Жумладан, Е.В.Михайлованинг қайд этишича, процесс тарафи бу аниқ жисмоний ёки юридик шахс эмас, балки категория, мақом, роль бўлиб сон жиҳатидан чекланмаган доирадаги жисмоний ва юридик шахслардан ташкил топади. Шу боис процессда тараф категория сифатида битта бўлиб ҳисобланади, бироқ бир-биридан мустақил манфаатларга эга бўлган субъектлар томонидан ифодаланади¹³⁴.

Фикримизча, назарий жиҳатдан Е.М.Михайлованинг фикрини қўллабқувватлаш мумкин. Чунки процесс тарафи умумий тушунча бўлиб, бундай ёндашув амалдаги МСЮтКда ўз ифодасини топган. МСЮтКнинг 40-моддаси ҳам «тарафлар» деб номланади, бироқ МСЮтКда алоҳида аризачи, жавобгар деган махсус модда учрамайди. Бу эса, ўз навбатида, процессда тарафларнинг ҳуқуқий категория эканлигини англатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, маъмурий суд ишларини юритишда тарафлар тушунчаси ўзига хос аҳамият касб этиб, бу тарафлардан бири маъмурият бўлиши, маъмуриятнинг фаолияти қонунчиликка кўра белгиланган ваколатлар доирасида амалга оширилиши билан ифодаланади. Шунингдек, маъмурий суд ишларини юритишда тарафлар тушунчаси ва уларнинг процессуал ҳуқуқ лаёқатини аниқлаш умумий асосларига кўра белгиланиб, доктринал ёндошув ҳам суд ишларини юритишда фуқаролик, иқтисодий суд ишларини юритишдаги тушунчалар билан умумий

¹³³ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. –Тошкент: ТДЮИ, 2012.– 98 б.

¹³⁴ Михайлова Е.В. Правовой статус сторон в гражданском процессе Российской Федерации. Автореф. дисс... канд. юрид.наук. – Самара, 2004. – 26 с.

Ўхшашлик касб этади. Негаки маъмурий суд ишларини юритиш қоидалари узоқ вақтлардан бери фуқаролик ва иқтисодий процесда амал қилиб келаётган назарий қоидалар ва ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, шу икки ҳуқуқ соҳасидан маъмурий суд ишларини юритишнинг процессуал асослари униб чиққанлигини эътироф этиш мумкин.